


## Ернинг оғирлиги



13:00 / 16.03.2020 7630

Залзала сурасининг 2-ояти ҳам жуда қизиқдир. Бу ояти каримада ернинг ўз оғирликларини ортишидан, ташқарига улоқтиришидан сўз юритилади. Асрлар давомида инсонлар зилзилада оғирликларнинг ер юзига чиқиши ифодаси билан нимага ишорат этилганини тушуна олмадилар.

Шу боисдан мазкур оятни ўлик-ларнинг тирилиши ёхуд ер остидаги хазиналарнинг ер устига чиқиши тарзида изоҳлаб келдилар. Кейинги асрларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатди-ки, ернинг марказига яқинлашган сари оғир металлларнинг миқдори ортиб борар экан. Мавжуд суюқ металлари билан ер ости ернинг устидан кўра кўпроқ зичлик ва оғирликка эга. Шу тариқа ер қаъридаги моддаларнинг ернинг юзасига чиқишига сабаб бўладиган зилзила ҳодисаларида кўриниб турганидек, ҳақиқатан ер ўз оғирликларини ташқарига улоқтирмоқда. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яшаган даврларда ер ости янада зич ва оғир

моддалардан иборат эканлигини ва зилзилалар оқибатида булар ер юзига чиқишини ҳеч ким билмас эди. У даврларда инсонлар зилзила ҳодисасини қандай таъриф этганликларини назарда тутадиган бўлсак, Қуръони каримда келган зилзила билан боғлиқ хабарларнинг мўъжизавий жиҳати ва аҳамиятини янада теранроқ англаймиз. Уша пайтларда аксарият кишилар ер ҳўкиз ва балиқ устида турган деб тасаввур қилар ва зилзилалар балиқнинг думини қимирлатиши натижасида вужудга келишига ишонишарди. (Бу борада Ибн Касирдан нақл қилинган баъзи ривоятларни эслаш kifоя). Ўз давридаги ҳеч бир хато тасаввур ва эътиқодни ҳимоя қилмасдан, балки бир неча асрлардан кейингина ойдинлашадиган ҳақиқатлардан сўз юритиши, улар ҳақида олдиндан хабар бериши Қуръони каримнинг ҳақиқий илоҳий Китоб эканлигига ва бутун борлиқнинг Улуғ Яратувчиси томонидан Жаброил алайҳиссалом воситасида охирзамон пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ваҳий қилинган мўъжизавий Калом эканлигига очиқ-ойдин ва рад этиб бўлмас бир далилдир.

Қуръон ва Коинот ҳақидаги билимларимиз ортгани сайин Аллоҳ таолонинг ҳам яратиш санъати ва ҳам дини нақадар мукамал эканлигини янада чуқурроқ англаб борамиз.

**"Айтинг: "Ҳеч ҳам билганлар билан билмайдиганлар тенг бўладими?" Фақат ақл ва виждон эгалари ўғит олулар".** (Зумар сураси, 9-оят мазмуни.)